

1. Қарз олувчининг қискача тавсифи.
2. Лойиханинг асосий мақсади ва йўналиши.
3. Бозор ҳолатининг тахлили.
4. Ишлаб чиқариш режаси.
5. Ташкилий режа.
6. Молиявий режа.

1. ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ ҚИСКАЧА ТАЪРИФИ.

Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги «_____» Маъсулияти чекланган жамияти Хоразм вилояти Янгиариқ туман Хокимининг 20__ йил _____ № _____ – сонли қарори билан рўйхатдан ўтказилган.

Жамият ўзининг тасдиқланган Устави асосида қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

- *Тўйлар ва хар хир маданий тадбирларда хизмат кўрсатиш;*
- *Аолига маданий маиший ва пуллик хизматлар кўрсатиш, жумладан гўзаллик салони, этикдўзлик ва сартарошхона фаолияти;*
- *Мехмонхоналар ишини ташкил қилиш, сайёхларни ётоқхоналар билан таъминлаш ва унда барча турдаги хизматлар кўрсатиш;*
- *Озиқ овқат ва ноозиқ овқат маҳсулотлари ҳамда хўжалик ва қурилиш моллари билан чакана савдо;*
- *Нон ва нон маҳсулотлари, қандолатчилик, печенье маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш;*
- *Тикувчилик, тўқувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;*
- *Дурадгорлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;*
- *Халқ истеъмол моллари билан чакана савдо.*

Маъсулияти чекланган жамият раҳбари _____

Паспорт серияси: _____, _____ йилда Янгиариқ туман ИИБ томонидан берилган.

Жамият манзилгоҳи: Урганч шаҳри.

Банк реквизитлари:

Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги “_____” МЧЖ ҳисоб рақами Урганч шаҳридаги Миллий банкида бўлимида очилган.

Ҳисоб рақами : _____ -

ИНН : _____

МФО : _____

2. Лойиҳанинг асосий мақсади ва йўналиши.

Жамият белгиланган фаолият турига асосланиб, аҳолига тўйлар ва турли хил базмларни ўтказишда тўйхона хизматлари кўрсатиш ва халқимизга арзон ва сифатли маҳсулотлар етказиб бериш ҳамда 5 нафар кишини иш билан таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу ишни амалга ошириш учун йилига 18 фоиз бўлган 21480,0 минг.сўм пул маблағини кредитга олиб иш бошламоқчи.

Бу мақсадни амалга ошириш учун 35000,0 минг сўм атрофида маблағ сарфланиши кўзланмоқда. Лекин жамият ўзининг ҳозирги кундаги имкониятидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан яратилаётган шароитлардан келиб чиқиб, йилига 18 фоизли ставка бўйича 21480,0 минг сўм миқдоридagi кредит маблағини 1 йил муддатга олиш зарур деб ҳисобламоқда.

Жамият кредит маблағини олгандан кейин ижарага олинган бинони хизмат кўрсатишга мослаштириб реконструкция қилишга киришади ҳамда зарур асбоб-ускуналар ва мосламаларни сотиб олади.

Қурилиш-таъмирлаш ва жихозлаш ишлари учун сарф харажатлар жамият ҳисобидан амалга оширилади.

3. Бозор ҳолатининг таҳлили

Жамият томонидан ташкил этилаётган хизмат кўрсатиш турларига ҳозирги кунда талаб жуда катта, чунки бу хизматлар асосан аҳолининг кундалик эҳтиёжлари, тўй-ҳашамларда ва турли хил тадбирларда бу хизматлардан кўплаб қўлланилади.

Шу билан бирга кўрсатиладиган хизматлар нархи бозор нархидан 10-15 % арзонлиги ҳамда сифатлилиги билан ҳам аҳолига енгиллик яратади.

Масалан, ҳозирги кунда кўпчилик туманларда тўйхона хизмати кўрсатишда 1 та ўрин нархи 800 – 1000 сўм атрофида белгиланмоқда. Бу кўрсаткич шаҳар ва шаҳар атрофидаги шаҳобчаларда 1000 – 1200 сўмни ташкил қилади.

Бизнинг жамиятимизда тўйхона хизмати кўрсатишда 1 ўрин нархи 500 сўм қилиб белгиланган.

Булардан ташқари кўрсатиладиган хизматлар нархи бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари нархларидан арзон қилиб белгиланган.

4. Ишлаб чиқариш режаси.

Жамият олинган кредит маблағи ҳисобига тўйхона учун зарур бўлган ускуналар сотиб олишни режалаштирган. Ушбу кўзланган мақсадни амалга оширишни кредит маблағини олгандан кейин йўлга қўяман.

Кредит маблағини лойиха бўйича сарфланиши йўналишлари:

№	Олинган маблағни сарфланиш йўналишлари	Сони	Баҳоси, минг Сум	Сумма, минг сум
1	Телевизор ROISON 21C300 Slim	8	310,0	2480,0
2	Телевизор ROISON PDP HOTU-4218	4	2000,0	8000,0
3	Телевизор ROISON KFR - 120	4	2750,0	11000,0
4	Кредит маблағининг умумий миқдори			21480,0
5	Лойихада тадбиркорнинг янгидан кушадиған улуши			13520,0
	Лойиханинг умумий баҳоси:			35000,0

ИЗОХ: *Хизмат кўрсатиш учун кетадиган хом ашё маҳсулотларини сотиб олиш ва бошқа харажатларни корхона ҳисобидан амалга оширилади.*

5. Ташкилий режа.

Олинадиган кредит маблағи ва унинг устама фоизларини кўрсатилган хизматларни сотишдан тушган фойда ҳисобидан қайтаришни кўзда тутган.

6. МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИ.

Жамият банкдан олинадиган кредит маблағи ва унинг устама фоизларини кўрсатилган хизматларни сотишдан тушган фойда ҳисобидан қайтаришни кўзда тутган.

Жамиятда шу давргача 2 та ишчи-хизматчи ишлаб келмоқда. Булар бошлиқ ва бош ҳисобчи (улар корхонанинг бошқа даромадлари ҳисобига иш ҳақи олишади). Корхона ўз олдиға қўйган мақсади - лойихани амалга оширса, корхонада кушимча 5 та ишчи ўрни яратилади.

Иш хақи фонди.

(минг сумда)

№		Ишчи урни	1 ойда	1 йилда
Бошқарув аппарати ходимлари				
1	Раҳбар	1	50,0	600,0
2	Хисобчи	1	40,0	480,0
	Жами иш хақи	2	90,0	1080,0
3	Иш хақи жамгармасидан 24% ажратма		21,6	259,2
	Иш хақи учун жами харажат		111,6	1339,2
Ишчи ходимлари.				
4	Ишчи ходимлар	5	150,0	1800,0
5	Иш хақидан ажратма 24 %		36,0	432,0
-	Иш хақи учун жами харажат	5	186,0	2232,0
	Жами иш хақи учун харажати	7	297,6	3571,2

7. Молиявий режа.

Жамият ўз фаолиятим давомида кўрсатган хизматларини сотишдан тушган суммадан барча сарф харажатлар ва мажбурий тўловларни чегирганда қолган қисми корхонанинг даромади хисобланади.

Кўрсатилган хизматлар таннархи унга сарфланган хом-ашё, ишчи-хизматчилар маоши, амортизация, электр энергия, газ сарфи ва бошқа кутилмаган сарф харажатлардан шаклланади.

Хизмат кўрсатиш режаси.

Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги “_____” МЧЖ ўзида мавжуд маблағни ишлаб чиқаришга мослаштириш мақсадида ушбу бинони реконструкция қилиб, қайта таъмирлашни мақсад қилиб қўйганман. Бу мақсад ўз хисобидан амалга оширади. Жамият ўз имкониятларидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш хажмини қуйидагича белгилайман:

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ХАЖМИ

(миқдор хисобида)

№	Лойиха мақсади	Ўлчов бирлиги	1 кунда	1 Ойда*
1	Тўйхона хизмати кўрсатиш (ўринлар)	дона	400	9600

* Корхона хар ойда 24 кун аҳолига хизмат кўрсатади.

Амортизация

Кредит хисобига 21.480.000 сўмлик телевизорлар сотиб олингандан кейин амортизация қуйидагича бўлади.

$21.480.000 : 5 = 4.296.000$ сўмни ташкил қилади 1 йилига.

(сўмда)					
№	Харажат номи	Ўлчов бирлиги	1 кунда	1 ойда	1 йилда
1	Амортизация	сўм	14 900	358 000	4 296 000

Шунингдек, ишлаб чиқариш учқуналарини сақлаш, мойлаш, техник хизмат кўрсатиш, биноларни иситиш, ёритиш харажатлари ўзгармас харажатлар бўлиб, хисоблагич ва белгиланган нормативлар асосида хисобланади. Бу харажатлар йилига 2 500 000 сўмни ташкил қилади.

Бошқа харажатлар.

(сўмда)					
№	Харажат номи	Ўлчов бирлиги	1 кунда	1 ойда	1 йилда
1	Бошқа харажатлар	сўм	4 166,7	100 000	1 200 000

БОШҚАРУВ ХАРАЖАТЛАРИ

Бошқарув харажатлари 1.339.200 сўмни ташкил қилади 1 йилига.

№	Харажат номи	Ўлчов бирлиги	1 кунда	1 ойда	1 йилда
1	Бошқарув харажатлар	сўм	4 650	111 600	1 339 200

1 та ўрин учун хизмат кўрсатиш таннари:

№	Харажатлар	Ўлчов бирлиги	Ишлаб чиқариш бирлиги	1 кунда (сўмда)	1 ойда (минг сўмда)	1 йилда (минг сўмда)
1	Хом ашё	сўм	0	0	0	0
2	Амортизация	сўм	37,3	14916,7	358,0	4296,0
3	Бошқа харажатлар	сўм	10,4	4166,7	100,0	1200,0
4	Иш хақи	сўм	15,6	6250	150,0	1800,0
5	Иш хақидан ажратма 24%	сўм	3,8	1500	36,0	432,0
6	Бошқарув харажатлари	сўм	11,6	4650	111,6	1339,2
7	Жами харажат		78,7	31483,3	755,6	9067,2
8	Сотиш бахоси		500	200000	4800,0	57600,0
9	Фойда		421,3	168516,7	4044,4	48532,8

**Жамиятнинг 21480,0 минг сўм кредит маблағидан 1 йил муддатга
фойдаланишимнинг молиявий натижаси**

№	Кўрсаткичлар	1 йилда	Жами (минг сўмда)
1	Хизмат кўрсатиш таннари	9067,2	9067,2
2	Кўрсатилган хизматни сотишдан тушум	57600,0	57600,0
3	Ялпи даромад	48532,8	48532,8
4	Ялпи даромаддан 10 % солиқ	4853,28	4853,28
6	Кредитни фоиз қайтарилиши	3866,4	3866,4
7	Кредитни қайтарилиши	21480	21480
8	Соф фойда	18333,1	18333,1

Шундай қилиб, Жамият устама ҳақи йилига 18 фоиз бўлган 21480,0 минг сўм кредит маблағидан 1 йил муддатга фойдаланишим натижасида **48532,8** минг сўм даромад олади. Кредит ва барча тўловларни тўлаганимдан кейин Жамият ҳисобида **18333,1** минг сўм соф фойда қолади. Бу маблағдан Жамият кейинги фаолиятини ривожлантириш учун фойдаланади.

“ _____ ”
МЧЖ раҳбари
